O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
Majburiy bepul nusxa

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 16 декабрь, № 241 (5156) Пайшанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЪРУЗАСИ МАМЛАКАТ РАҲБАРИЯТИ ВА ХАЛҚИНИНГ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШИНИ КЎРСАТАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуида қилган маърузаси хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилчи доиралари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб, кенг муҳокама этиб келинмоқда.***

Германиянинг Бремен шаҳрида “Германия — Ўзбекистон жамияти” билан ҳамкорликда ушбу мавзуга бағишланган брифинг ўтказилди. Унда мазкур жамият раҳбарияти, Ўзбекистон Республикасининг Бремендаги фахрий консули Л. Фоллерс ҳамда мамлакатнинг бошқа ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилчи доиралари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Брифинг қатнашчиларига Президент Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришга оид илгари сурилган устувор ташаббуслар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида қилган маърузасининг асосий моҳияти хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Хусусан, **“Бремен Германия — Ўзбекистон жамияти” президенти Э. Мочманн** бир қатор халқаро тадбирларда иштирок этиш мақсадида юртимизга кўп маротаба ташриф буюргани ва ҳар гал мустақилликка эришилгандан кейинги қисқа тарихий давр ичида Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилганига ишонч ҳосил қилганини таъкидлади. Шу ўринда у Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, шу жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятда хотин-қизларнинг тутган ўрнини ошириш борасида эришилган ютуқларга алоҳида эътибор қаратди.

**Дунё нигоҳи**

Э. Мочманнинг фикрига кўра, Ўзбекистон раҳбариятининг миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, турли миллат ва элатларнинг тинч-тотув ҳаётини таъминлаш бўйича олиб бораётган сиёсати республикадаги ислоҳотлар самарасига яққол мисолдир.

**Ўзбекистон Республикасининг Бремендаги фахрий консули Л. Фоллерс** Ўзбекистон ўзининг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли изчил ва барқарор иқтисодий ривожланишга эришганини қайд этди. Унинг таъкидлашича, Марказий Осиё давлатлари ичида биргина Ўзбекистон жадал ривожланаётган саноатни муҳим хом ашёлар билан, шунингдек, аҳолини зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлагани ҳолда, тарихан қисқа фурсатда энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини қўлга киритди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси Ғози университети билан ҳамкорликда Анқара шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказди.

Унда Туркиянинг Марказий Осиё масалалари билан шуғулланувчи етакчи экспертлари, Ғози университети раҳбарияти, ўқитувчи ва талабалари ҳамда Туркия оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Анжуман давомида иштирокчилар диққатига Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар ва республика раҳбарияти томонидан белгиланган мамлакатни янада ривожлантириш концепциясига оид ахборот ҳавола этилди.

Анжуманда Ғози университети ўқитувчи ва экспертлари, Туркиянинг “Kavkazssam” Кавказ тадқиқот маркази ва бошқа илмий тадқиқот марказлари ҳамда олий ўқув юртларининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг турк тилига таржима қилинган ва Туркия академик ҳамда таҳлилий доираларига тақдим этилган маърузаси тадбир қатнашчиларида ижобий муносабат уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

***Истиқлол йилларида жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалари босқичма-босқич ва изчил ривожлантириб борилганлиги натижасида умумэътироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга асосланган мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.***

## САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

### демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги устувор вазифадир

Маълумки, сайловларнинг самарали, тан олинган халқаро норма ва принципларга асосланган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий негизи босқичма-босқич шакллантирилди. Ҳокимият вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигида эса доимий асосда фаолият кўрсатувчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил этилди.

**Муносабат**

Самарали демократик сайлов тизимининг шакллантирилганлиги сайловларни кўп партиявийлик асосида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёрларга амал қилган ҳолда, очиқлик ва ошкоралик шароитида яширин овоз бериш орқали умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи принципларига тўла мувофиқ тарзда ўтказиш имкониятини бермоқда. Бунга кейинги йилларда мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар ҳамда уларнинг амалий якунлари ёрқин далилдир. Сайлов натижалари халқимизнинг ижтимоий онгида чуқур ўзгаришлар рўй берганлиги, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражаси беқиёс ўсганлигини намоён этди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик, илғор жаҳон тажрибаси ва демократия тамойиллари устуворлигига эришиш олдимизда турган ғоят масъулиятли вазифалардан бири бўлиб қолади. Бинобарин, жамиятимизни ривожлантириш борасида замон олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Шу ўринда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузаси мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёнининг, давлат ва жамият қурилиши соҳасини, ҳуқуқий тизимни, шу жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериши, шубҳасиздир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз мазкур маърузада давлат ва жамият қурилишининг қатор йўналишларида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб берар экан, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтганлиги, бу — мамлакатимизда демократиянинг бош талаби ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлмиш эркин сайловларга берилаётган эътиборнинг ёрқин далилидир.

Чунончи, давлатимиз раҳбари томонидан мазкур маърузада сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича билдирилган қатор қонунчилик ташаббуслари жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида сайлов жараёнларини тобора либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлиши табиий.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

*Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

• **“МАРҲАМАТ ип йигирув ва тўқув” ҳиссадорлик жамияти жамоаси янги имкониятларни ўзлаштириш ҳисобига жорий йилнинг ўтган даврида 1161 тонна маҳсулот ишлаб чиқарди ҳамда 2 миллион 297 минг АҚШ долларилик экспорт амалиётларини бажарди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб икки баробар кўпдир.**

• ДЕҲҚОНОБОД тумани марказий шифохонасининг оналар ва болалар бўлимида “Шўртан газ-кимё” мажмуаси ҳомийлигида 260 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ушбу маскан “Саломатлик — 2” лойиҳаси доирасида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

• **ЯНГИЕРлик тадбиркор Мурод Обидов банкдан олган 18 миллион сўмлик кредити ҳамда ўз маблағи эвазига мебель ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Сангил ота” хусусий корхонасини ташкил этди. 6 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада йилига 40 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд.**

• ТАХИАТОШ шаҳрилик тадбиркор Тожибой Жакешов 60 миллион сўмлик кредит эвазига ўзи раҳбарлик қилаётган “Эрлан” корхонасини замонавий минитехнологиялар билан жиҳозлади. Айни пайтда бу ерда кунига ярим тоннагача ун маҳсулотлари тайёрлаш билан бирга, 300 литргача сут қайта ишланмоқда.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## РАҒБАТ, ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗ

### кичик корхоналар фаолиятининг юксалишида муҳим омил бўлмоқда



**СУРАТДА:** корхона ишчилари Эркин Муқимов ва Равшан Бобожонов.
*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.*

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

*Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2011 йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” дея ном бериш юзасидан таклиф киритганида, ушбу ташаббус жамоатчилик вакиллари томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уларнинг эркин фаолият юритишларини таъминлаш учун барча шарт-шароит яратилган.*

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг барқарор даромад манбаига эга бўлишида муҳим омилга айланмоқда. Муҳими, ички бозоримиз ўзимизда тайёрланган маҳсулотларга тўлиб, кичик корхоналарнинг экспорт салоҳияти тобора юксалмоқда. Қисқача айтганда, мазкур соҳанинг республикамиз иқтисодиётидаги ўрни йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эса уларнинг фаолияти янада кенгайиши, янги марралар забт этилиши, шубҳасиз.

— Аслида, юртимизда тадбиркорларга мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда ва бундан биз, икки йилдирки, баҳраманд бўлиб келаяпмиз, — дейди пойтахтимиздаги “Mar Plast” хорижий корхонасининг маркетинг бўйича иш бошқарувчиси Азимбой Норматов. — Келгуси йилда эса тадбиркорликнинг ривожи учун бундан-да қулай муҳит яратилади, демак, имкониятларимиз янада ошади.

Айни пайтда корхонада кимё ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини сақлаш ҳамда ташишга мўлжалланган, 250 литрдан 10 тоннагача сиғимга эга полиэтилен идишлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар халқаро андозаларга тўла жавоб бериши баробарида, турдошларига нисбатан кўплаб афзалликларга эга. Масалан, мазкур идишлар қирқ даражагача совуқ ва етмиш даражагача иссиққа чидамли бўлиб, чириш ёки синиш эҳтимоли кам. Бу, ўз ўрнида, маҳсулотга бўлган талабни ошираяпти. Шу боис ўтган йили 450 миллион сўмлик маҳсулот харидорларга етказиб берилган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 950 миллион сўмликка етди.

Қувонарлиси, корхона маҳсулотларига республикамиздан ташқари, хорижда ҳам талабгорлар топилади. Хусусан, шу кунларда жамоа аъзолари қозоғистонлик ишбилармонлар билан 500 минг АҚШ долларилик шартнома имзолашди.

(Давоми 2-бетда).

## Замонавий корхоналар кўпаймоқда

*Бир рақам шарҳи*

2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимиз бўйича

**867** та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

**Озиқ-овқат, қурилиш материаллари, енгил ва ёғочни қайта ишлаш саноати, машинасозлик соҳасида ана шу объектларнинг ишга туширилиши янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берди.**

Сурхондарё вилояти:

## БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ОДИМЛАРИ

***Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда кириб келаётган 2011 йилни мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилишни таклиф этар экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кафолати ҳамда таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.***

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Пировардида юртимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб, аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб бораётир. Жорий 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимизда 480 мингта янги иш ўрни яратилгани сўзимиз тасдиғидир.

Бундай имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, эл-юрт равнақига ҳисса қўшаётган тадбиркорлар Сурхондарё вилоятида ҳам кўплаб топилади. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоят тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган кредит қўйилмалари 270 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, мазкур маблағнинг 57 фоизидан кичик бизнес субъектлари баҳраманд бўлди. Амалга оширилган манзилли ҳудудий инвестицияларнинг ярми бевосита ишлаб чиқаришга йўналтирилаяпти. Бу

**Ислоҳот**

саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ўтган тўққиз ойда кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 72,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш соҳасида эса мазкур кўрсаткич 79,8 фоизга етди. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилингач, воҳа тадбиркорлари ушбу соҳани равнақ топтириш учун янада қатъий бел боғладилар.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЪРУЗАСИ МАМЛАКАТ РАҲБАРИЯТИ ВА ХАЛҚИНИНГ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШИНИ КЎРСАТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Туркиялик экспертларнинг таъкидлашларига кўра, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳада бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олган мамлакат раҳбариятининг роли ўзини тўлиқ оқлади. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон ташқи босим таъсирига тушмасдан, ўз ички ва ташқи сиёсатини маҳаллий шарт-шароит, миллий анъаналар, маданий ва тарихий қадриятлар ҳамда жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда, тўғри ва пухта олиб борди. Экспертларнинг фикрича, "Ҳозир Ўзбекистонда демократик қадриятлар ва тамойилларни ўзига бирлаштира оладиган давлат механизми ва бошқарув тизимининг барча таркибий қисмлари яратилган. Ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи — аҳоли кенг қатламларини жалб этган ҳолда бошқарув тизимини демократлаштиришдир".

**Ғози университети доценти М. Эрол**нинг таъкидлашича, "Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги геостратегик жойлашуви ва минтақада, айниқса, Афғонистон, Қирғизистон ва Тожикистонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни эътиборга олганда, давлатчиликни ривожлантиришнинг "ўзбек модели" нақадар самарали ва тўғри эканини кўриш мумкин. Ўзбекистонда, аввалambор, давлатнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига эътибор қаратган ҳолда, демократия ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим қарорлар чиқарилди ва босқичма-босқич амалга оширилди".

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Президентининг парламент қўшма мажлисида қилган маърузасининг эътиборли жиҳати шундаки, унда салкам 20 йил мобайнида Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотлар атрофлича таҳлил қилинган, мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун зарур пойдеворни яратишга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. "Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислом Каримовнинг маърузаси мамлакат раҳбарияти ва халқининг ўз танлаган йўлидан тараққиёт сари қатъий интилишини кўрсатади", деди эксперт.

**Оқсарой университети профессори С. Имер**нинг таъкидлашича, "Йигирма йил муқаддам ўзбек халқи демократик тараққиёт йўлини танлади. Демократия, бу — зарур қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва мазкур қонунларга оғишмай риоя этилиши учун фуқароларнинг ҳуқуқий тарбиясини кучайтириш билан боғлиқ доимий жараёндир. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг маърузаси Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришнинг истиқболдаги йўллари аниқ белгилаб берилган муҳим ҳужжат, дейиш мумкин".

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида ҳам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси муҳокамасига бағишланган брифинг ўтказилди.

Унда Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги, сиёсий, жамоатчилик доиралари ҳамда етакчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари жамиятни ислоҳ қилиш, демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни эркинлаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилганига алоҳида урғу берилди.

Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги **МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик қилувчи Департаментининг Ўзбекистон бўлими бошлиғи С. Макаренко**нинг қайд этишича, "Ўзбекистонда кечаётган ички сиёсий воқеалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сўнгги сайловлар Россия жамоатчилигининг диққат-эътиборида бўлди. Президент Ислом Каримовнинг ташқи сиёсий ташаббусларига доир, БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлиси, шунингдек, Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузалари жиддий ва ҳар томонлама ўрганилди". Россиялик дипломатнинг фикрига кўра, ушбу маърузалар Ўзбекистон раҳбариятининг кенг қамровли режаларидан, мамлакатни изчил ривожлантириш мақсадида юритилаётган пухта ва оқилона сиёсатидан дарак беради.

Унинг айтишича, "Ўзбекистонда содир бўлаётган мазкур муҳим сиёсий воқеалар нафақат Россия Федерацияси, балки бутун дунё жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортди. Хусусан, айни пайтда Президент Ислом Каримовнинг ташқи сиёсатга доир кўплаб ташаббуслари жаҳон миқёсида кенг муҳокама қилиб келинмоқда ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат Марказий Осиё минтақаси халқлари учун, балки халқаро майдонда ҳам ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга".

**«Жаҳон» АА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири, бу — сайловолди ташвиқоти саналади. Чунки сайловолди ташвиқоти, аввало, номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намоён қилишга, шунингдек, сайловчиларни номзодлар дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва келгусидаги режалари билан яқиндан таништиришга, айни чоғда, сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишонтиришга қаратилган муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча демократик давлатларда, шу жумламизнинг ташаббуслари овоз бериш жараёнида сайловчининг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалашини таъминловчи муҳим кафолат бўлиб ҳисобланади. Бу каби норма бир қатор ривожланган демократик давлатлар, хусусан, Франция, Канада ва бошқа кўплаб давлатлар қонунчилиги ҳамда амалиётида самарали қўлланиб келинмоқда. Мазкур мазмундаги норма нафақат сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш учун қўшимча вақт берилишига имкон яратади, балки сайлов кунидан олдин сайловолди ташвиқоти субъектлари томонидан турли суиистеъмоллик ҳолатлари ва қонунбузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

# САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги устувор вазифадир

дан, мамлакатимизда ҳам сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқоти босқичига алоҳида эътибор берилади.

Кейинги йилларда ўтказилган сайловлар натижаси, партияларaро рақобатнинг кучайиши сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётганини кўрсатмоқда. Ушбу шароитда Президентимиз томонидан "сайловолди ташвиқоти" тушунчасининг, бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усулларини сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйиш борасидаги ташаббуслари айни муддао бўлди. Чунки мазкур масалаларнинг қонунчилик билан мустаҳкамланиши, *биринчидан,* ўта муҳим жараён ҳисобланган сайловолди ташвиқотида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилса, *иккинчидан,* сайлов кампанияси жараёнига турли хил ноқобил кучлар аралашувининг олдини олиш, сайловчиларга ўз сиёсий қарашларини, хоҳиш-истакларини мустақил билдириш, номзод ва партия ҳақида мустаҳкам фуқаролик позициясига суянган ҳолда тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи моддаларга сайловолди ташвиқотининг нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш борасидаги Президентимиз томонидан билдирилган муҳим ташаббуслардан яна бири, бу — сайлов тўғрисидаги айрим қонунларга, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига жойлаштиришни тақиқлайдиган нормани киритиш билан боғлиқ таклиф ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ушбу амалиёт миллий сайлов қонунчилигимизда, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида мавжуд бўлиб, амалиётда самарали қўлланиб келинмоқда. Мазкур нормани давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларга ҳам киритиш, аввалambор, сайловчилар ҳуқуқларининг янада таъсирчан ҳимоя қилиниши, муайян номзодга ғаразли муносабатда бўлиш, бу борада сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олиш имконини беради. Қолаверса, сайлов тўғрисидаги қонунчилик моддаларининг ўзаро боғланиши, комплекслилиги ҳамда уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, муайян давлатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи, кўп жиҳатдан, давлат ҳокимияти органларига ўтказиладиган сайловларнинг қай даражада очиқ ва ошкора амалга оширилишига ҳам боғлиқдир. Шу боис миллий сайлов қонунчилигимизда сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принципларидан бири сифатида ошкоралик тамойили мустаҳкамланган. Хусусан, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига биноан, бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида ўтказилади. "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида ҳам Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принципларидан бири сифатида ошкоралик принципи мустаҳкамланган.

Таъкидлаш жоизки, сайлов жараёнларининг ошкоралигини таъминлашда кузатувчилар институти алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, сайлов жараёнининг қанчалик ҳаққонийлиги кузатувчиларнинг бевосита иштирокида ёрқин намоён бўлади ҳамда шунга қараб баҳоланади. Хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг сайлов жараёнида иштирок этиши сайловнинг умумийлик ва тенглик, овоз беришнинг яширинлиги, адолатлилик, эркинлик, ошкоралик ва масъуллик каби демократик тамойилларга қатъий риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларда, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи (халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан кузатувчи), оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиши ҳуқуқи мустаҳкамланган.

2008 йилда Ўзбекистон сайлов тизимига замон талаблари ва халқаро андозаларга мос бўлган, аввало, сайлов қонунларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларига қаратилган ўзгартириш ва янги қоидаларнинг киритилгани муҳим аҳамият касб этади. Бундай асосий ўзгартиришлардан бири, бу — бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда долзарб эканлигини назарда тутган ҳолда, қуйи палатамиздаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилганлигидир.

2009 йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловида биринчи маротаба Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Экоҳаракат Конференциясида мамлакатимизнинг барча минтақаларидан сайланган делегатлар орасидан яширин овоз бериш орқали муқобиллик асосида 15 та депутат сайланди ва ҳозирги кунда Қонунчилик палатасида ўз депутатлик гуруҳини тузган ҳолда самарали фаолият олиб бормоқда. Сайлов қонунчилигига илгари киритилган бундай принципиал ўзгартишдан келиб чиқиб, Президентимиз "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш ташаббусини илгари сурдилар. Бу, албатта, сайлов жараёнларининг барча босқичларида очиқлик ва ошкораликни таъминлашга, Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича жараёнининг сайлов қонунчилигига тўла риоя этган ҳолда ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

**Х**улоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссиясининг раиси.**

# РАҒБАТ, ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗ

## кичик корхоналар фаолиятининг юксалишида муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, Президентимизнинг 2009 йил 27 январдаги "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида"-ги қарорида экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, уларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш сингари муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Мазкур қарор асосида корхона жорий йилда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилгани, ишлаб чиқаришга Англиядаги "Oyister" компаниясининг замонавий технологияси татбиқ этила бошлангани иш унумдорлигини оширишга хизмат қилаётир. Келгусида ушбу компаниядан яна бир янги технология олиб келиш режалаштирилганки, бу корхонага маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажмини янада орттириш имконини беради.

Дарҳақиқат, рағбат, имконият ва имтиёз бор жойда тараққиёт бўлиши турган гап. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юксак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг таъминотчисига айланиб бораётгани замирида ана шу омиллар мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# УНУМДОР ТУПРОҚ – МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

***Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан илмий-амалий конференция ўтказилди.***

**Тадбир**

Тупроқ емирилишининг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган давлат сиёсати масаласига бағишланган тадбирда парламент аъзолари, тегишли вазирлик, қўмита, уюшмалар ҳамда ушбу йўналишдаги олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтлари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Бунда соҳага оид қонунлар, Президентимиз Фармон ва қарорлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Юртбошимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони шулар жумласидандир.

Таъкидланганидек, тупроқ емирилишининг олдини олиш бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки кейинги даврда дунё бўйича тупроқ шўрланиши оқибатида ҳосилдорликнинг кескин пасайиши кузатилаётир. Масалан, дунёдаги қишлоқ хўжалигига ярокли ернинг 70 фоизи, ўрмонларнинг 50 фоизи, чучук дарё сувларининг 20 фоизи, биологик ресурсларнинг 70 фоизи ўзлаштирилган. Улардан хўжасизларча фойдаланиш ер майдонларининг шўрланиши ва эрозияга учрашига, бу, ўз навбатида, экологик мувозанат бузилишига олиб келмоқда. Айни пайтда ер, сув, иқлим ресурслари, ер ости бойликларидан тежамсиз фойдаланиш туфайли ер усти рельефи, унумдор бўлган тупроқ қатламига жиддий зарар етказилди. Бу эса, бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, уларни ҳал этиш осон кечаётгани йўқ.

Тадбирда, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг унумдор қатламидан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш, бунинг учун илм-фан ютуқлари ҳамда илғор технологияларни татбиқ этиш, амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, янги қонунларни ишлаб чиқиш, илмий жиҳатдан асосланган минтақавий қишлоқ хўжалиги тизимларини шакллантириш масалалари хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, ҳудудларнинг ер шароитини тўлиқ ўрганиб, шунга мос ҳолда экин экишни йўлга қўйиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, тадбирда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган майдонларда илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш, бузилган ерларни рекультивация қилиш, уларнинг унумдорлигини ошириш, соҳа қонунчилиги юзасидан деҳқон, фермер хўжаликлари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, қонун ҳужжатларига тўлиқ амал қилиб келаётган деҳқон, фермер хўжаликларини рағбатлантириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Навоий томонларда

***Кармана тумани марказида замонавий "Бахт уйи" мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

### Карманаликларга муносиб туҳфа

Барча қулайликларга эга ушбу икки қаватли кошонани бунёд этиш учун 360 миллион сўм сарфланди. Ушбу иншоот Баркамол авлод йилида карманаликларга чинакам туҳфа бўлди.

### Фаолият кенгайди, фойда ошди

***Гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Учқудуқ сифат" хусусий корхонасида банкдан олинган 28 миллион сўмлик кредит эвазига қандолат маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.***

Ҳозир бу ерда замонавий дастгоҳлар ёрдамида соатига 150 килограммгача ширинликлар ишлаб чиқарилиб, ҳудуддаги савдо нуқталарига етказиб берилмоқда.

Айтиш керакки, "Учқудуқ сифат"нинг 13 кишилик жамоаси ўтган қисқа муддатда ички бозорга 40 миллион сўмликка яқин озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Сурхондарё вилояти:**

# БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ОДИМЛАРИ

Дастлаб Жарқўрғон туманининг Оқтепа, Термиз туманининг Лимонзор, Шерободнинг Сеплон қўрғонларида 60 та замонавий уй-жой бунёд этилган бўлса, яна 15 та мавзеда 660 та тураржой қурилиши узлуксиз равишда бошлаб юборилди.

Миллий меъморчилик анъаналари ва замон андозалари асосида тураржойлар бунёд этиш жараёнида зарурий қурилиш ашёларининг сифати, мустаҳкамлиги, харид нархларию ташиб олиш харажатларининг ҳамёнбоплигига алоҳида эътибор қаратилади. Шундан келиб чиқиб нисбатан қисқа муддат ичида "Қишлоққурилишинвест" ва "Жануб Сурхон ғишт" масъулияти чекланган жамиятлари пишиқ ғишт ишлаб чиқариш бўйича Музработ ва Шўрчи туманларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширдилар. "Жарқўрғон ободонлаштириш" масъулияти чекланган жамияти мавжуд технологик линияларни мукаммаллаштириш орқали қувватларни ошириб, тайёр асфальт ишлаб чиқармоқда ва катта ҳажмдаги буюртмаларни амалга ошираётир.

Ёки асосий ҳудуди тоғу тошлардан, тупроғу оҳакбоп қатламлардан иборат бўлган Бойсун туманини олинг. Қайта ишлаш тармоғининг камёблиги туфайли бойсунликлар қум-шағални ва ҳатто, оҳакни бошқа узоқ ҳудудлардан ташиб келтиришарди. Тош бисёр эди-ю, уни шағалга айлантирадиган корхона йўқ эди. Ғишт пиширилмасди. Шунинг учун одамлар гувалани лой билан қориб, чўпкари девордан уй солишарди.

Ниҳоят тадбиркорлар бу муаммолар ечимини топишга бел боғладилар — қисқа фурсатда талай илғор лойиҳалар асосида қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугун Бойсунда ўнга яқин ғишт заводи, алебастр, оҳак ишлаб чиқариш цехлари фаолият юритмоқда. Тадбиркор Бахтиёр Нормаматов гипс ва гипсокартон ашёлари тайёрлашни йўлга қўйди. Инкобод ва Сайроб қишлоқларида хориж технологияси асосида ишлайдиган шағал заводлари фаолият бошлади. "Жило Файз" хусусий корхонасининг пишиқ ғиштлари қурувчиларга ва якка тартибда уй қураётганларга манзур бўлмоқда. Энди тадбиркорлар ҳудудда цемент заводи бунёд этиш юзасидан ҳам бош қотиришаяпти.

Дарҳақиқат, бойсунлик тадбиркорлар манзилли ҳудудий инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ибратли юмушларга қўл урмоқдалар. Олдиларига қўйган мақсадни муваффақиятли уддаламоқдалар. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантирмоқдалар.

Президентимиз томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинишини эса улар алоҳида мамнуният билан кутиб олишди. Ҳамиша ўз касб-корларини улуғлаб келган бойсунлик ҳунармандлар, косиблар ўз устахона-корхоналарини замонавий илғор технологиялар билан жиҳозлаб, элнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, озод ва азиз Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | | |
|---|---|---|
| УН олий нав | 710,0 | ▼ -6,4 |
| УН биринчи нав | 502,5 | ▼ -15,4 |
| УН иккинчи нав | 466,4 | ▼ -0,01 |
| ПАХТА ЁҒИ | 1760,6 | ▼ -42,9 |
| СУЛЬФАТ АММОНИЙ | 203,6 | ▲ +11,8 |

*"Ўша кун кечагидек ёдимда. Мактабда ўқирдик. Биздан бир синф қуйида таҳсил оладиган Умар исмли болакай жуда "пақилдоқ"ларга "ўч" эди. Янги йил арафасида унинг қулоғи тагида ана шундай воситалардан бири пақиллаб кетди. Оқибати ёмон бўлди: унинг бир қулоғи эшитмай қолди. Ота-онаси қанча югурмади, кўрсатмаган шифокори қолмади. Бироқ вақтида олди олинмаган ҳолат анча қимматга тушди. Янги йил байрами ҳам татимади..."*

# ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИ МУОМАЛАСИ

## қонун доирасида тартибга солинмоқда

**Назорат**

Автобусда кетаётиб, бир аёлнинг ҳамроҳига айтиб берган бу воқеасини кўпчилик эшитди. Дарҳақиқат, байрам кезлари, айниқса, янги йил арафасида кўча-кўйда "пақилдоқ"лар билан ўйнаб юрган айрим болаларни учратамиз. Бола барибир бола-да. Улар бундай "ўйинчоқлар" қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўпам тасаввур қилишмайди.

Кўриниб турибдики, кишилар тинчини бузувчи, соғлиғига салбий таъсир қилувчи ушбу воситаларнинг ҳаётимизга кириб келишига асло беэътибор қараб бўлмайди. Айниқса, катталар бу борада масъулиятни доимо ҳис қилишлари лозим. Ана шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда одамлар саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган пиротехника воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда, ҳуқуқий асослар яратилиб, унинг ижроси таъминланмоқда.

— Ҳар бир хонадон тинчлиги бутун маҳалла, қолаверса, юртимиз осойишталиги демакдир, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Қориёғди" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Миржамшид Мирзаев. — Шуни ҳисобга олиб аҳоли, айниқса, ёшлар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиб, зарур тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Мактаблар ва боғчаларда пиротехника воситалари келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатлар кенг тушунтирилмоқда. Савдо шохобчалари, айрим "тадбиркорлар" томонидан пиротехника воситаларининг бозорларимизга, маҳаллаларимизга кириб келишига қарши зарур чоралар кўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда портловчи заҳарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш борасида хавфсизликни таъминлаш бўйича ишлар мунтазам, тизимли асосда амалга оширилаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги "Портловчи ва заҳарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан портловчи ва заҳарли моддалар, шунингдек, портлатиш воситаларининг рўйхати тузилган. Пиротехника буюмларининг ўзига хос фарқланувчи хусусиятларга эгалиги инобатга олиниб, улар ушбу рўйхатга киритилмаган эди. 2006 — 2009 йиллар мобайнида ички ишлар органлари томонидан республика ҳудудида амалга оширилган тадбирлар натижасида пиротехника буюмларини келтириш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда белгиланган қоидаларни қўпол равишда бузган 3481 нафар ҳуқуқбузардан 3 млрд. 276 млн. донадан ортиқ пиротехника буюмлари олиб қўйилди.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, қатор мамлакатларда пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялаш амалга оширилмоқда. Мазкур соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августда бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида "Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, расмий эълон қилингач, шу йилнинг 23 сентябридан кучга кирди.

Айтиш жоизки, пиротехника воситалари — ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган портловчи ўйинчоқлардан фойдаланиш оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин. Янги йил байрами арафасида ва ундан кейин қулоқни қоматга келтирувчи бундай "ўйинчоқлар" шовқинига барҳам бериш бугунги кундаги долзарб масалалардан, десак, муболаға эмас. Шунинг учун ҳам ушбу турдаги маҳсулотларнинг бозорларимизга кириб келишини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айни пайтда уларнинг сотилишини тақиқлаш ва савдодан олиб қўйишга оид амалий ишлар давом эттирилмоқда.

— Пиротехника воситаларининг турган-битгани ташвиш, — дейди кўз шифокори Зиёда Раҳимова. — Шифокор сифатида шуни айтмоқчиманки, кўз жароҳатлари — куйиш, кесувчи, санчилувчи буюмлар таъсири ёки чанг тутунлари оқибатида ҳам содир бўлиши мумкин. Лекин пиротехника воситалари портлаши оқибатида ундан сачраган учқун кўзга тушиб, термик куйишга олиб келиши ўта ташвишланарли ҳолдир.

Муҳими, пиротехника воситалари энди қонун орқали назоратга олинди. Демак, у шу пайтгача келтириб чиқараётган салбий ҳолатлар, ортиқча ташвишлар, албатта, барҳам топади. Асосийси, уларга нисбатан муросасиз бўлишдир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЗАВОД TTEMZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность – 8 т.
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.







ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

АВТОКРАНЫ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъемность – 14 т.
- максимальная высота подъема – 14,5 м.

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 16 т.
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом).

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 25 т.
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом).

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ

Объемом 8м³ и 12м³ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.




Под заказ




КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ и АВТОВЫШКИ на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

| МОДЕЛЬ | ВЫСОТА ПОДЪЕМА ЛЮЛЬКИ | ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ |
|---|---|---|
| KRANTAS - 335 | 15 м | 3,2 т |
| KRANTAS - 736 | 21,5 м | 6 т |

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz


O'ZSANOATQURILISHBANK

**«СОВРИН — 2»**
**хорижий валютада бонусли ютуқли омонати**

**2010 йил 10 декабрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ «Соврин — 2» ютуқли омонати бўйича 3-ютуқ тиражининг**

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

**Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди:**

| Т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | Т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | Т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | Т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 9 | 1 | 51. | 2 | 217 | 101. | 3 | 442 | 151. | 5 | 719 |
| 2. | 3 | 2 | 52. | 3 | 230 | 102. | 2 | 450 | 152. | 4 | 734 |
| 3. | 3 | 4 | 53. | 2 | 233 | 103. | 2 | 452 | 153. | 3 | 747 |
| 4. | 8 | 5 | 54. | 3 | 241 | 104. | 3 | 453 | 154. | 2 | 751 |
| 5. | 2 | 6 | 55. | 2 | 244 | 105. | 2 | 457 | 155. | 2 | 753 |
| 6. | 3 | 9 | 56. | 5 | 247 | 106. | 7 | 460 | 156. | 2 | 754 |
| 7. | 7 | 10 | 57. | 8 | 248 | 107. | 6 | 462 | 157. | 7 | 755 |
| 8. | 2 | 15 | 58. | 6 | 249 | 108. | 3 | 484 | 158. | 5 | 756 |
| 9. | 7 | 18 | 59. | 2 | 251 | 109. | 2 | 485 | 159. | 4 | 758 |
| 10. | 9 | 36 | 60. | 3 | 252 | 110. | 7 | 492 | 160. | 2 | 759 |
| 11. | 4 | 44 | 61. | 4 | 253 | 111. | 2 | 493 | 161. | 5 | 760 |
| 12. | 3 | 53 | 62. | 5 | 254 | 112. | 2 | 494 | 162. | 5 | 764 |
| 13. | 3 | 56 | 63. | 4 | 255 | 113. | 7 | 495 | 163. | 3 | 769 |
| 14. | 5 | 57 | 64. | 3 | 256 | 114. | 2 | 496 | 164. | 2 | 770 |
| 15. | 2 | 58 | 65. | 4 | 258 | 115. | 4 | 498 | 165. | 6 | 773 |
| 16. | 8 | 60 | 66. | 3 | 259 | 116. | 7 | 526 | 166. | 3 | 774 |
| 17. | 6 | 62 | 67. | 3 | 260 | 117. | 3 | 610 | 167. | 3 | 782 |
| 18. | 8 | 66 | 68. | 9 | 261 | 118. | 3 | 614 | 168. | 3 | 783 |
| 19. | 5 | 81 | 69. | 6 | 268 | 119. | 5 | 615 | 169. | 2 | 789 |
| 20. | 3 | 84 | 70. | 6 | 270 | 120. | 6 | 616 | 170. | 3 | 795 |
| 21. | 4 | 85 | 71. | 2 | 271 | 121. | 4 | 632 | 171. | 5 | 802 |
| 22. | 4 | 87 | 72. | 6 | 272 | 122. | 3 | 633 | 172. | 3 | 832 |
| 23. | 3 | 94 | 73. | 8 | 276 | 123. | 3 | 636 | 173. | 6 | 836 |
| 24. | 2 | 98 | 74. | 7 | 277 | 124. | 5 | 638 | 174. | 2 | 842 |
| 25. | 2 | 99 | 75. | 2 | 280 | 125. | 3 | 639 | 175. | 5 | 844 |
| 26. | 3 | 101 | 76. | 3 | 285 | 126. | 2 | 646 | 176. | 2 | 847 |
| 27. | 3 | 108 | 77. | 2 | 295 | 127. | 2 | 652 | 177. | 9 | 854 |
| 28. | 2 | 131 | 78. | 2 | 296 | 128. | 7 | 656 | 178. | 8 | 868 |
| 29. | 3 | 133 | 79. | 3 | 303 | 129. | 4 | 657 | 179. | 3 | 885 |
| 30. | 6 | 139 | 80. | 4 | 305 | 130. | 5 | 660 | 180. | 5 | 888 |
| 31. | 2 | 145 | 81. | 3 | 307 | 131. | 3 | 661 | 181. | 7 | 895 |
| 32. | 2 | 146 | 82. | 2 | 313 | 132. | 4 | 665 | 182. | 2 | 896 |
| 33. | 4 | 152 | 83. | 7 | 332 | 133. | 3 | 666 | 183. | 3 | 899 |
| 34. | 2 | 155 | 84. | 6 | 335 | 134. | 9 | 668 | 184. | 2 | 900 |
| 35. | 7 | 159 | 85. | 3 | 337 | 135. | 5 | 669 | 185. | 7 | 904 |
| 36. | 4 | 160 | 86. | 3 | 344 | 136. | 9 | 676 | 186. | 4 | 906 |
| 37. | 5 | 167 | 87. | 4 | 352 | 137. | 2 | 677 | 187. | 2 | 913 |
| 38. | 2 | 171 | 88. | 6 | 357 | 138. | 2 | 680 | 188. | 5 | 919 |
| 39. | 3 | 176 | 89. | 5 | 359 | 139. | 5 | 682 | 189. | 7 | 937 |
| 40. | 6 | 180 | 90. | 2 | 360 | 140. | 3 | 684 | 190. | 4 | 938 |
| 41. | 6 | 184 | 91. | 2 | 365 | 141. | 7 | 688 | 191. | 5 | 944 |
| 42. | 3 | 185 | 92. | 9 | 369 | 142. | 2 | 689 | 192. | 3 | 952 |
| 43. | 3 | 187 | 93. | 8 | 370 | 143. | 5 | 692 | 193. | 5 | 953 |
| 44. | 2 | 188 | 94. | 3 | 377 | 144. | 8 | 694 | 194. | 5 | 955 |
| 45. | 6 | 189 | 95. | 2 | 379 | 145. | 5 | 695 | 195. | 5 | 974 |
| 46. | 4 | 197 | 96. | 9 | 388 | 146. | 8 | 701 | 196. | 3 | 977 |
| 47. | 3 | 203 | 97. | 2 | 406 | 147. | 4 | 703 | 197. | 2 | 983 |
| 48. | 8 | 204 | 98. | 3 | 407 | 148. | 2 | 704 | 198. | 2 | 991 |
| 49. | 4 | 206 | 99. | 9 | 409 | 149. | 4 | 708 | 199. | 4 | 996 |
| 50. | 9 | 209 | 100. | 4 | 410 | 150. | 4 | 711 | 200. | 3 | 998 |

***Изоҳ:*** Ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқлик ҳисоблар бўйича кўрсатилган. Агар ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиқ бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталикдагидек.
Мисол учун: 2сн-4, 2сн-1004, 2сн-2004, 2сн-3004 ва ҳ.к.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар миқдорини ҳисоблаб чиқаради ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.


Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.


O'ZSANOATQURILISHBANK

**2010 йилнинг 10 декабрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг «Омад» буюм ютуқли муддатли омонати бўйича 5-ютуқ тиражининг**

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

***Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди:***

| Т/р | Буюм ютуғининг номи | Омонатчиларнинг ҳисобварағи рақамлари | Т/р | Буюм ютуғининг номи | Омонатчиларнинг ҳисобварағи рақамлари |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Roison» телевизори | 42 | 26. | Мобиль алоқа телефони | 556 |
| 2. | DVD плеери | 57 | 27. | DVD плеери | 588 |
| 3. | CD плеери | 127 | 28. | Мобиль алоқа телефони | 599 |
| 4. | Микротўлқинли печь | 135 | 29. | Блендер | 618 |
| 5. | Мобиль алоқа телефони | 141 | 30. | «Roison» телевизори | 646 |
| 6. | Радиотелефон | 164 | 31. | Блендер | 669 |
| 7. | Радиотелефон | 195 | 32. | Блендер | 675 |
| 8. | DVD плеери | 234 | 33. | Радиотелефон | 688 |
| 9. | Мобиль алоқа телефони | 246 | 34. | Микротўлқинли печь | 698 |
| 10. | Радиотелефон | 254 | 35. | Радиотелефон | 700 |
| 11. | CD плеери | 270 | 36. | Мобиль алоқа телефони | 765 |
| 12. | Микротўлқинли печь | 280 | 37. | Радиотелефон | 778 |
| 13. | Мобиль алоқа телефони | 301 | 38. | DVD плеери | 786 |
| 14. | «Pentium 4» компьютери | 314 | 39. | Блендер | 810 |
| 15. | CD плеери | 334 | 40. | Мобиль алоқа телефони | 829 |
| 16. | «Roison» телевизори | 345 | 41. | «Roison» телевизори | 833 |
| 17. | Мобиль алоқа телефони | 371 | 42. | DVD плеери | 848 |
| 18. | Радиотелефон | 381 | 43. | Радиотелефон | 852 |
| 19. | CD плеери | 409 | 44. | «Roison» телевизори | 877 |
| 20. | «Pentium 4» компьютери | 466 | 45. | CD плеери | 881 |
| 21. | Радиотелефон | 472 | 46. | Мобиль алоқа телефони | 906 |
| 22. | Блендер | 484 | 47. | «Roison» телевизори | 913 |
| 23. | Радиотелефон | 491 | 48. | Микротўлқинли печь | 935 |
| 24. | «Pentium 4» компьютери | 512 | 49. | Микротўлқинли печь | 940 |
| 25. | «Roison» телевизори | 538 | 50. | Мобиль алоқа телефони | 950 |

***Изоҳ:*** ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқлик ҳисобварақлар бўйича кўрсатилган. Агар ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиқ бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақларида ҳам айнан шу сонлар ютуқли ҳисобланади, биринчи мингталикдагидек. Мисол учун: ОД-42, ОД-1042, ОД-2042, ОД-3042 ва ҳ.к.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ филиаллари унинг ёрдамида буюм ютуқларига эга бўлган ҳисобварақларни аниқлайди ва белгиланган тартибда ютуқ ютган «Омад» омонати эгаларига совринлар бир ой муддат ичида топширилади.

«Омад» буюм ютуқли омонати бўйича тиражлар ўтказилаётган йилнинг 1 декабрь ҳолатига омонатчининг ҳисобварағидаги омонат қолдиғи 500 минг сўм ва ундан юқори бўлганлари омонат шартига кўра, ютуқлар тиражида иштирок этади.


Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.


| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 232,5 ▲ +9,6 | ШРОТ 201,2 ▲ +1,1 | ШЕЛУХА 81,2 ▲ +1,2 | ПОЛИЭТИЛЕН В-Y 460 3620,7 ▲ +208,9 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 3045,1 ▲ +231,2 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 3335,2 ▲ +288,9 | МАЗУТ 272,5 ▼ -136,7 | СУЮЛТ.ГАЗ 1556,5 ▲ +388,0 | КЎМИР(блк) 56,0 ▲ +0,3 |

## МАДАНИЯТ хабарлари

### Театрнинг кўркам кошонаси

***Алишер Навоий номли Наманган вилояти мусиқали драма театри биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, унинг атрофидаги 6 гектарлик майдонда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.***

Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган ушбу бинони бунёд этиш учун 2,8 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Бундан ташқари, театрнинг 500 ўринли томоша зали замонавий ёритиш, овоз узатиш, иситиш ва совитиш жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Нафосат ва маҳорат кўриги

***Фарғонада "Йил аёли — 2010" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Таъкидлаш керакки, учинчи маротаба ўтказилаётган ушбу танловнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, тадбирнинг туман ва шаҳар босқичларида 1200 нафардан ортиқ аёл иштирок этгани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Улар орасидан саралаб олинган 19 нафар хотин-қиз танловнинг вилоят босқичида эркин мавзудаги монолог, саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақслари, шунингдек, ҳуқуқий, тиббий соҳада қандай билим ва кўникмага эга эканликларини синовдан ўтказди.

Якунда вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Барнохон Исмоилова ғолиб чиқди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги асар тақдимоти

***Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театри жамоаси таниқли драматург Охунжон Ҳакимнинг "Ҳайдар хўроз" комедиясини саҳналаштирди.***

Ушбу спектаклда ҳаётда учраб турадиган турли муаммо ва иллатлар юморга бой воқеликлар орқали очиб берилган. Ёш режиссёр Қутлимурод Ёқубов саҳналаштирган мазкур асар томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

FIFA

***Футбол дунёдаги энг оммавий спорт турларидан бири ҳисобланади. Мураббийларнинг ўйин тактикаси, футболчиларнинг тўп узатишдаги маҳоратию ҳайратомуз голлари, дарвозабонларнинг юксак қобилияти, буларнинг барчаси етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган спорт ихлосмандлари эътиборини доимо ўзига жалб қилиб, уларга олам-олам завқ бағишлаб келади. Шунинг учун ҳам футбол ҳақида гап кетганда, унга "миллионлар ўйини", дея таъриф беришади.***

**16 декабрь — Ўзбекистон ФИФАга аъзо бўлган кун**

# МИЛЛИОНЛАРНИ МАФТУН ЭТГАН ФУТБОЛ

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортнинг бу турига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Дунёда футбол билан боғлиқ жараёнларни бошқариш ва назорат қилиш учун ягона бир ташкилот тузиш зарурати ўтган асрнинг бошларида пайдо бўлган эди. Ана шу мақсадда 1904 йилнинг 21 майида Парижда Бельгия, Дания, Франция, Нидерландия, Испания, Швеция, Швейцария миллий ассоциациялари томонидан Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА)га асос солинди. Худди шу куни Германия ҳам унга қўшилишини маълум қилди. Бош қароргоҳи Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жойлашган ФИФА ҳозирга келиб жаҳондаги энг йирик спорт ташкилотига айланди. Бугунги кунда унга аъзо бўлган футбол ассоциациялари сони 208 тага етди. Қиёслаш учун келтириб ўтамиз, бу рақам Халқаро Олимпия қўмитаси ва Халқаро енгил атлетика ассоциациялари федерацияси аъзолари сонидан кўпдир.

ФИФА футбол мусобақаларини ўтказиш, ушбу спорт турига оид қоидаларни жорий этиш, зарур бўлганда, уларга ўзгартиришлар киритиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Унинг ташкилотчилигида футбол бўйича жаҳон чемпионати, конфедерациялар кубоги, клублар, 20 ва 17 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида, шунингдек, футзал, пляж футболи бўйича жаҳон чемпионатлари ва қатор мусобақалар уюштирилади. Бундан ташқари, ФИФА хотин-қизлар футболини ривожлантириш мақсадида 1991 йилдан бошлаб аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатини ҳам ўтказаяпти. Қолаверса, Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси мазкур спорт тури бўйича ҳар йили анъанавий тарзда йилнинг энг яхши футболчиси, клуби ва терма жамоаси номини ҳам аниқлайди ва уларни махсус соврин билан тақдирлайди. ФИФАга ҳозиргача саккиз киши раҳбарлик қилган. Унинг амалдаги президенти швейцариялик Йозеф Блаттер бўлиб, ушбу лавозимда 1998 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади.



Мамлакатимизда ҳам футболни севиб ўйнайдиган ва томоша қиладиганлар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ушбу спорт турини ривожлантиришга бўлган эътибор янада кучайиб, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ўзбекистон 1994 йилда ФИФАга аъзо бўлди. Ўтган вақт мобайнида футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, юртимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан сўнг мазкур йўналишдаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Ана шу ҳужжатларда белгиланган вазифалар талабидан келиб чиқиб, миллий чемпионатимизнинг нуфузи ва мақомини ошириш, энг қобилиятли ёш спортчиларни аниқлаш ҳамда улардан юқори малакали футболчилар тайёрлаш бўйича саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Юртбошимизнинг спорт, жумладан, болалар спорти ривожига кўрсатаётган ғамхўрлиги шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган замонавий спорт мажмуаларида ҳам ўз ифодасини топаётир.

Мавжуд имкониятлар туфайли мамлакатимиз футбол жамоалари, ҳакамлари халқаро мусобақаларда фаол иштирок этишаётир. 1994 йилда футболчиларимиз Японияда ўтган Осиё ўйинларида ғолибликни қўлга киритишган эди. 2007 йили Тошкентнинг "Пахтакор" клуби МДҲ ва Болтиқбўйи республикалари чемпионлари кубогида зафар қучди, Саудия Арабистонида ташкил этилган ёшлар (U-19) ўртасидаги Осиё чемпионатида вакилларимиз иккинчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида қатнашишди. Футбол бўйича қитъа чемпионатида ажойиб ўйин намойиш этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам 2011 йили Мексикада бўлиб ўтадиган мундиаль йўлланмасини қўлга киритди. Бизга чексиз фахр бағишлаган яна бир муҳим воқеа шундаки, жорий йилнинг ёзида Жанубий Африка Республикасида ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинларини бошқаришга МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасидан ягона ҳакам сифатида ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов жалб этилди. У бешта ўйинни деярли хатосиз бошқариб, ФИФА мутасаддилари эътирофига сазовор бўлди ва ОФКнинг мавсум якунларига бағишлаб ташкил этилган нуфузли анжуманида учинчи бор "Осиёнинг энг яхши ҳаками" номига сазовор бўлди.

Ўзбекистон футболидаги ислоҳотлар самаралари халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Хусусан, ФИФА президенти Йозеф Блаттернинг мамлакатимизга икки бор ташриф буюриб, мазкур спорт тури тараққиёти йўлидаги ишларга юксак баҳо бергани фикримиз тасдиғидир. Бундан ташқари, Осиё футбол конфедерацияси ҳам ҳамиша ўзининг ижобий муносабатини билдириб келаяпти. Мавжуд шарт-шароитларни инобатга олиб, футзал бўйича, шунингдек, футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатлари мезбонлиги учун икки мартадан айнан Ўзбекистон танлангани ҳам биз учун кўнгиллидир.

**М**ухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда мазкур спорт турини янада оммавийлаштириш борасидаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади, албатта. Биз эса халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган футболчиларимиздан янгидан-янги зафарлар кутиб қоламиз.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

---

# АРСИФНИНГ МУҲТАШАМ МАЖМУАСИ

***Яқин вақтгача қишлоғимиз ёшлари спорт билан шуғулланиш, турли мусобақаларда қатнашиш учун Қувасой шаҳри, Қува тумани марказидаги спорт мажмуаларига борар эдилар. Энди бунга ҳожат қолмади. Чунки яқинда Арсиф қишлоғида "Сен ёлғиз эмассан!" халқаро хайрия жамғармаси маблағи эвазига шаҳарликлар ҳам ҳавас қиладиган, замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган муҳташам мажмуа фойдаланишга топширилди.***

Қишлоғимиз кўркига кўрк қўшиб турган бу мажмуани, ҳеч муболағасиз, халқаро мусобақаларни ҳам ўтказса бўладиган йирик спорт иншооти, дейиш мумкин. Кўм-кўк майса билан қопланган стадион, бир вақтнинг ўзида баскетбол, волейбол, стол тенниси, бокс, юнон-рум кураши, енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказиш имкони мавжуд бўлган мазкур мажмуада қишлоқ ёшлари қизғин машғулотлар билан банд бўлмоқдалар.

Ҳозирги кунда бу гўзал спорт иншоотида ёшлар спортнинг ўндан зиёд тури бўйича ўз маҳоратларини оширишаяпти. Уларнинг бир вакили сифатида бу ерда яратилган имкониятлардан беҳад мамнунман. Айни пайтда 15 нафар юқори малакали мураббий Арсиф қишлоғидан ташқари, Қалача, Турк, Тошлоқ туманининг Бўз маҳаллаларида истиқомат қилувчи мингдан зиёд ёшларга футбол, волейбол, баскетбол, кураш, стол тенниси, шахмат, гимнастика, таэквондо сирларини ўргатаяпти. Шуниси эътиборга моликки, машғулотларда қатнашаётганларнинг ярмини қизлар ташкил этади.

**Эътибор**

Мажмуамиз фаолият кўрсата бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Аммо қишлоқ ёшларининг спорт билан жиддий шуғулланаётганликлари ҳозирданоқ ўз самарасини бераяпти. Мансур Набиев таэквондо бўйича Таиландда ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок этган бўлса, шу ерда стол тенниси сирларини ўргана бошлаган Элнора Раҳматуллаева, Ҳаёт Ашуралиев, Тойиржон Бурҳонжоновдан иборат жамоа ўсмирлар ўртасида ўтказилган вилоят мусобақаларида совринли ўринларни эгаллади. Абдуманнон Содиқов эса бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган водий вилоятлари мусобақасида шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Ишончимиз комилки, бу каби юксак натижалар ҳали истиқболда. Зеро, қишлоғимиз ёшлари орасидан яна кўплаб чемпионлар етишиб чиқиши, шубҳасиз.

**Ўғилой НАСИМОВА.**
Қувасой шаҳри

---

Яхши хабар

## Аҳоли дастурхони файзи

"Қўрғонтепадонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятида банкдан олинган 100 миллион сўмлик кредит ҳисобига нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди. Айни пайтда 22 та қўшимча иш ўрни яратилган корхона жамоаси 55 миллион сўмликка яқин дастлабки нон маҳсулотларини аҳоли дастурхонига тортиқ қилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---


## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

**Республикамизда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳитни ташкил этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши қарори билан ҳафтанинг жума куни**

**«Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш куни»**

**(«Очиқ эшиклар куни») деб эълон қилинган.**

*Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар ҳамда тадбиркорликка оид барча масалалар юзасидан ҳафтанинг ҳар жума куни соат 9.00 дан 13.00 гача республикамиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.*

*Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан кўриб чиқилиши таъминланади.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:
**(8-371) 150-60-06, 150-60-05, (8-800) 120-04-04**
(ушбу рақамга телефон қилиш республика ҳудудида бепул ва фақат шаҳар телефонларидан амалга оширилиши мумкин).

**E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz**

1030R/1237





ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.**
**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;**

**Бундан ташқари:**

**ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.**

**КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

466R/586


---

## ОБ-ҲАВО (16 декабрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 0-5 даража, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 1-3, кундузи 9-11 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

---

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Хирургия кафедрасининг собиқ мудири, профессор **Ханифа МУРАТОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси Солиқлар ва солиққа тортиш кафедрасининг катта ўқитувчиси Неъматулло Артиқовга волидаи муҳтарамаси **Аккиз АРТИҚОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 143,4 ▼ -0,3 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 130,7 ▲ +1,7 | АРМАТУРА 2057,4 ▼ -154,1 | ШИФЕР (1 лист) 12888 ▲ +34,0 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲+1,1 |

Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 37513 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.00 1 2 4 5